

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
Б У Й Р У Ғ И**



**П Р И К А З  
МИНИСТРА ЮСТИЦИИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

2018 йил “ 6 ” январь.

№ 8 -мх

“      ” января 2018 года.

**Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги  
низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартдаги 79-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 1928, 2009 йил 27 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 13-сон, 152-модда) билан тасдиқланган Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 5-бандининг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилади)”.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” – “Собрание законодательства Республики Узбекистан”да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида нашр этилишини таъминласин.

4. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга  
киради.


6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари  
М. Истамов зиммасига юклансин.

**Вазир**

Тошкент шаҳри



**Р. Давлетов**



*Келишилган:*

**Адвокатлар палатаси раиси в.б.**

“6” январь 2018 йил



**Ш. Садиқов**